



Савол:

- 1) Илтимос, ушбу саволга жавоб берсангизлар. Кимдир ҳар-хил сабабларга кўра тоат-ибодатни кеч бошлайди. Масалан, 30 ёшдан кейин ёки 40 ёшдан кейин. Энди шу ёшгача бўлган вақт давомида бажарилмаган намозлар, тутилмаган рўзалар нима бўлади?
- 2) Ассалому Алайкум! Менинг саволимга жавоб беришингизни илтимос қиласман. Заруратсиз йиллар давомида намозларини қазо қилган одам қазоларини қандай қилиб ўқиб олади? Кундалик беш вақт намознинг суннатлари ўрнига ҳам қазоларни ўқиш лозимми? Қазоси бор инсон нафл ўқиб биладими?

Жавоб:

Юқоридаги иккита савол бир-бирига ўхшагани боис, унга жавобни битта қилиб берамиз: Агар ўша инсон умуман ёкм бир қанча вақт сурункали намоз ўқимаган бўлса, қайта ўқишни бошлаган кунидан эътиборан астойдил бўлади. Шундан кейин, мабодо бирон намозни қазо қилиб қўйса уни (нг қазосини) ўқиб қўйиши керак бўлади. Муъмин киши йиллаб намозни тарк қилмайди. Намоз иймонниг энг катта шартларидан бири, уни сурункали бажармаган одамнинг иймони иймон бўлмайди. Соғлом иймони бўлмаган киши Ислом либосини ўзидан ечиб ташлаган бўлиши муқаррар. У қачонки Исломга қайтса, ундан бу қабул қилинади ва Ислом ўзидан аввалги гуноҳларни ювиб ташлайди. Унинг ўтганда қилган хатоларини Аллоҳ кечирсин ва ўша ҳолатта у қайтмасин. Ҳар бир намозни суннатлари билан ўз вақтида ўқийди уларнинг ўрнига бошқа намоз ўтмайди, улар ҳам дунёда бошқа намознинг ўрнига ўтмайди. Қазоси бор одам қазосини ўқиб олгандан сўнг нафл ўқиса бўлаверади. Бир одам уйқу, эсдан



Ислом Нури

чиқариш ёки қайсиdir сабабга кўра намозни қазо қилиши мумкин, бу бир ё икки ёки беш вақт намоз бўлади, холос. Қазоси бор одамга нафл намоз ўқиш жойиз, қазоси бўйнида қарз бўлиб тураверади. Бироқ қарзни узиш афзалроқ. Валлоҳу аълам

Юқорида «улар ҳам дунёда бошқа намознинг ўрнига ўтмайди» дейилди. Бунинг маъноси: Киши ҳаёти давомида адо этган нафл намозлар, — «суннатлар» ҳам шу жумладан — унинг Аллоҳ олдида мартабасининг олий бўлишига сабаб ва Қиёмат куни банда энг биринчи бўлиб намозидан сўралганда унинг фарз намозларида камчилик бўлса, ўша камчиликни тўлдирувчи бўлади. Демак, нафл намозлар бу дунёда бошқа намоз ўрнига ўтмайди лекин Охиратда бунинг имкони бор.

Рўзанинг ҳукми ҳам шундай бундан буёғига тарк қилмасдан рўзаларини тутади.